

“БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ҲОЯСИ АСОСИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Тинч ва хотиржам яшаш бугунги нотинч дунёда тобора долзарблашиб бормоқда. Фақат буни хотиржам яшаётган одамларгина чуқур ҳис қилмайди. Ҳар тонг уйғониб, ўз юмушларимиз билан машғул бўлар эканмиз, буни табиий ҳол, деб қабул қиламиз.

Ваҳоланки, осойишталик замирида катта меҳнат мужассам. Махсус хизматлар ходимларининг тунни тонгга улаб олиб бораётган ишлари туфайли кўчаларимизга ёмон ниятли кимсалар оралай олмайди, тинчимизни биров бехуда бузмайди.

Албатта, хавфсизликни, хотиржамликни таъминлаш давлатнинг зиммасидаги вазифа. Ушбу мақсад йўлида амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон хавфсиз мамлакатлар қаторидан жой олган.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 ноябрь куни эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эса халқимиз осойишталигини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Мазкур фармон билан Жамоат хавфсизлиги концепцияси тасдиқланди.

Концепция миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган республикамизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат сифатида намоён бўлди.

Ҳужжат асосида ҳуқуқ-тартибот ва бошқа масъул идораларнинг фаолияти “Барча саъй-ҳаракатларимиз инсон қадри учун”, деган устувор ҲоЯ асосида янада кучайтирилади.

Бунда жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш миллий манфаатлар сифатида намоён бўлади.

Давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш, жамиятда миллатлараро ва динлараро муносабатлар, диний бағрикенглик маданияти, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва гуманизмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш каби устувор мақсадлар ҳам миллий манфаатларимиз узвий давоми сифатида амалга оширилади.

Концепция илғор хорижий ва миллий тажрибаларни инобатга олган ҳолда тайёрланган ҳамда жамоат хавф-

сизлиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва уни амалга ошириш механизмлари, жамоат хавфсизлигини таъминловчи ўн та идоранинг аниқ вазифалари белгиланди.

Илк маротаба мазкур йўналишда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бир қаторда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва маҳаллий ҳокимликлар масъулияти ҳам белгиланди.

Фармон асосида 2022-2025 йилларда Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

Стратегия мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишни ўз ичига олган.

Стратегияда истиқболли 6 йўналиш бўйича 96 та соҳавий тадбир, уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да эса 30 та аниқ чоралар назарда тутилган.

(Давоми 2-саҳифада)

ОРОЛЬЎЙИ ТУПРОҚ, ИҚЛИМ, БИОХИЛМА- ХИЛЛИГИ ҲОЛАТИ: ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

БУТУН ЕР ЮЗИДА ЮЗ
БЕРАЁТГАН ГЛОБАЛ
ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ,
ЕРЛАРНИНГ ЯРОҚСИЗ
ҲОЛГА КЕЛИШИ, ТУПРОҚ
ШЎРЛАНИШИ, БИОЛОГИК
ХИЛМА-ХИЛЛИКНИНГ
КИСКАРИШИ ЭКОЛОГИЯГА,
ИҚТИСОДИЁТ
ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖИ ВА
ИНСОНИАТНИНГ ФАРОВОН
КЕЛАЖАГИГА ЖИДДИЙ
ХАВФ СОЛМОҚДА.
(Давоми 2-саҳифада)



ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТА ОЛАМИЗМИ?

Президентимиз юртимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бораётганини таъкидлар экан, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яқинда содир бўлган қум бўронлари ҳам буни яна бир бор тасдиқлаганини қайд этди.

Албатта, бу каби ҳодисалар табиатга бугунги муносабатимизни ўзгартиришни, экологик масалаларга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Шу боис ҳам мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, лойиҳа доирасида йилига 200 миллион туп дароҳ ва бута кўчатларини экиш ташаббуси жуда долзарб аҳамиятга эга. Шу мақсадда юртимизнинг барча ҳудудларида “Яшил макон” кўкаламзорлаштириш, дароҳ экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинди. Эътироф этиш керак, мана шу ташаббус халқимизнинг айна қалбидаги гап бўлди, ҳар бир юртдошимиз бу эзгу ишга бажонидил ҳисса қўшишга киришди. Жойларда мазкур хайрли ташаббус кенг қучоқ ёйиб, юзлаб дароҳ кўчатлари экилмоқда. Ҳудудларда иқлим шароитига, тупроғига мос дароҳ кўчатларини танлаш, экилаётган кўчатларнинг баравж ўсиб-униши учун етарли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси кўп ўтмай ўз самарасини берishi шубҳасиз, юртимизда яшил макон, яшил масканлар сезиларли кўпаяди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидан кўзланганидек, шаҳарларимиздаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга оширишга эришилади.
(Давоми 3-саҳифада)

Иқтидорлилар орамизда



РУСЛАН ХАЛҚАРО ОЛИМПИДА ОЛТИН МЕДАЛИ СОҲИБИ

Теледастурларда Фарғона шаҳрида бир неча кун давом этган мактаб ўқувчилари орасида физика фани бўйича ўтаётган мусобақалар тўғрисида хабарлар бериб борилди. Улуғ аллома ал-Фарғоний номида физика фанидан ўтказилган халқаро олимпиадада жаҳоннинг ўнлаб мамлакатидан келган юздан ортиқ ўқувчилар ўзаро беллашдилар.

Танлов якунида юртимиз ўқувчиларининг кўрсатган натижалари юқори эканлигидан хурсанд бўлиб турган эдик. Бронза, кумуш медалларини қўлга киритган ўқувчиларнинг номлари эълон қилинди. Улар орасида туманимиздан иштирок этаётган ўқувчининг эса фамилияси эшитилмай турган пайтда бирдан экрандан “Руслан Алиқулов – Ўзбекистон, олтин медаль” деган овоз ўзбек ва инглиз тилларида жаранглаб кетди. Бу хабар балки бутун Ўзбекистон халқини ҳаяжонлантириб юборган бўлса ажаб эмас?

Фузур туманидаги 68-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг барча ўқитувчи ва ўқувчилари бу хабардан тўлқинланиб бир-бирларини кутладилар. Айниқса, ўқувчига бир неча йилдан бери физика фанидан билим бериб келаётган ўқитувчи Бобур Тошпўлатовнинг қувончининг чеки йўқ эди. Етиб келган хушxabар шоғирди билан ўтказилган тинимсиз шуғулланишлар, ечилган масалалар, амалий машғулотларнинг шундай натижа берганлиги ўқитувчи учун энг олий мукофот бўлди.
(Давоми 2-саҳифада)

КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР МАЪРИФАТ ДАРГОҲЛАРИДА ҚЎЙИЛАДИ



Рустамжон ИСРОИЛОВ,
Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Таълим тараққиётни белгилайди. Юрт истиқболи ва равнақиға, нурафшон келажакка фақат таълимга эътибор, ёш авлод ҳаёти ва камоли, уларнинг иқболи ҳақида жиддий қайғуриш орқалигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги бугунги янгиланишлар ва ислохотлар жараёнида, Янги Ўзбекистоннинг ўзи хос тараққиёт оидимларида таълим равнақиға юксак эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизга беқиёс гамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг илм-маърифат чўққиларини забт этган ҳолда озод диёрнинг муносиб эртасини яратишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар ҳозирланмоқда.

ҚИШЛОҚ ҚУНАРМАНДЛАРИ

Бекобод туманининг Тақачи маҳалласида яшовчи тадбиркор Хайрулла Эшматов ўз хонадонидан чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган “Бекобод чинни экспорти” номили цехини очиб, маҳалладаги 15 нафар хотин-қизни доимий иш билан банд қилди.
– Асосан чойнак-пиёла, лаган каби 6 турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарамиз, – дейди биз билан суҳбатда цех иш юритувчиси Тошмурод Эшматов.
– Риштонга бориб, қуллочилик мактаби сир-асрорларини ўрганиб келдик. Натижада, маҳсулотларимизни ўтган йилдан қўшни Тожикистонга экспорт қила бошладик.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат.



Суратда: Ишчилар Мухайё МАСОБИРОВА, Мунира ҒАФҒОРОВА иш жараёнида.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси

шаҳарларимиздаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш имконини беради

"БАРЧА САЎЙ-ХАРАКАТЛАРИМИЗ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН" ҲОЯСИ АСОСИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Чоралар жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, соҳани рақамлаштириш, соғлиқни сақлаш ва маҳаллабай ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Стратегияда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали бажарилишини ташкил этиш учун ички ишлар вазири шахсан масъул ҳисобланади.

Ички ишлар вазири Жамоат хавфсизлиги департаменти эса Стратегияда белгиланган вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида Миллий гвардия ва бошқа мутасадди идоралар билан биргаликда ҳар йили кўшма дастур ва "Йўл харита"ларини ишлаб чиқиб, Вазирилар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади ва уларнинг ижросини мувофиқлаштирилади.

Стратегия жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Унда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунга ҳилоф тажовузлардан ҳимояланганлик ҳолати сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилади.

Ички ишлар вазири Жамоат хавфсизлиги департаментининг алоҳида ўрни белгилаб берилди.

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибига жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробацция хизматлари киритилди.

Жамоат тартибини оммавий бузиш ҳолатларида ваколатли идораларнинг фаолиятини умумий мувофиқлаштириш вазифаси айнан Департамент зиммасига юклатилади. Унинг қошида ягона идоралараро бошқарув штаби ташкил этилади.

Фармон билан профилактика инспекторларининг вазифалари такомиллаштирилмоқда. Профилактика инспекторлари ортиқча ва кераксиз юктамалардан озод қилиниб, уларнинг вазифалари 128 тадан 22 тага мақбуллаштирилган ҳолда қатъий рўйхат сифатида тасдиқланди.

Профилактика инспекторларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралаштириш тақиқланади.

Энди профилактика ва пробацция инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолашда самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизими жорий этилади.

Бир сўз билан айтганда, фармон асосида жорий этилаётган янги тартиб ва тамойиллар халқимизнинг тинч ва хотиржам ҳаёт кечириши, жамиятда барқарорликни таъминлаш ва янада мустақамлашга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ОРОЛБЎЙИ ТУПРОҚ, ИҚЛИМ, БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИ ҲОЛАТИ:

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР



(Боши 1-саҳифада)

Кўпгина мамлакатларда чўлланиш ва ерларнинг деградацияга учраши оқибатида дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони ярқис эҳволга келиб қолган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 миллион гектари табиий шўрланган, қум кўчирилари, чангли бўҳрон ёки гармселлар таъсирига учраган қўроқчил ва ярим қўроқчил майдонлардан иборат. Айниқса, Орол фожияси оқибатида 5,5 миллион гектардан ортиқ ер тузли чўлга айлангани ачинарлидир. Дунёдаги бу каби ҳолатлар экологик таҳдидларнинг нечоғли юқорилигини аниқлатади.

Бугун Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат, Ўзбекистон миллий университети, Марказий Осий минтақавий экологик маркази, Шўрланган тупроқларда биодехончилик халқаро маркази ҳамкорлигида "Оролбўйи тупроқ, иқлим, биохилма-хиллиги ҳолати: долзарб муаммолар ва инновацион ечимлари" мавзуда халқаро конференция ўтказилди.

Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Борий Алихонов бугунги кундаги экологик муаммолар, Орол ҳалокати, унинг салбий таъсирлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, Орол ҳалокати глобал экологик муаммо сифатида дунё эътиборини ўзига тортиди. Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олаётган бир пайтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда аниқ ва тезкор чоралар билан жаҳон ҳамжамиятини Орол муаммосига эътибори, муносабатини ўзгартирди. Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18

майдаги 75-сессиясида "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюцияси қабул қилинди.

Мазкур резолюцияда белгиланган вазифалар ижросини бажариш мақсадида 2021 йил 29 июлда "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан Оролбўйи минтақасига иқтисодий тармоқларида ресурсларни тежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ 7 та йўналишдаги 2021-2024 йилларда амалга оширилиши белгиланган "Йўл харитаси" тасдиқланган. Шу билан бирга, 65 та устувор инновацион лойиҳалар ҳам тасдиқланган. Ушбу лойиҳалар учун турли манбалардан 1,9 триллион сўм маблағ сарф этилиши ва натижада 4 минг 500 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020 – 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида 2 минг 788 та лойиҳа ва объектларда 21 триллион 209 миллиард сўмлик кенг қўламли ишлар бажарилиши режалаштирилган.

– Орол муаммоси нафақат Ўрта Осий, балки бутун инсониятга тегишли долзарб муаммо бўлиб қолмоқда, – дейди Шўрланган ерларда биодехончилик халқаро маркази раҳбари Азиз Каримов. – Бугунги конференцияда асосан Орол фалокати натижасида юзага келаётган муаммолар, Қорақалпоғистон Республикасида ер ва сув ҳўжалигида олиб борилаётган сиёсат, бу борада маҳаллий ва халқаро ташкилотлар томонидан қаратилаётган эътибор, қўлаётган натижалар каби масалалар муҳокама қилинди. Шўрланган ерларда биодехончилик халқаро маркази томонидан таклиф этилаётган бир қанча лойиҳалар кўриб чиқилди. Улар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар келгуси фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро конференцияда видеоконференцаалоқа шаклида иштирок этган Халқаро тупроқшунослик бирлашмаси бошлиғи Лаура Берта Санчес хоним иштирокчиларга видеомурожаат қилиб, сайёрамизда юз бераётган экологик муаммоларни юмшатиш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён қилди. Шунингдек, соҳага оид халқаро даражадаги вакилларнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табриклари ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, Сенат томонидан Орол муаммоси ва унинг ечимлари бўйича амалга оширилаётган ишларга оид тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

Конференцияда ҳозирги мураккаб вазиятда юртимизда ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётгани алоҳида кайд этилди. Мамлакатимиз чўлланишга қарши кураш, иқлим ўзгариши бўйича доиравий ҳамда Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга қў-

шилгани таъкидланди.

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда саноат тармоқларини муҳим хом ашёлар билан кафолатли таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш бевосита ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлашга боғлиқ. Мамлакатимиз ҳудудининг 9,6 фоизи сўғориладиган ерларга тўғри келиб, ушбу майдонларда барча қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи етиштирилади.

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан бевосита ҳудудларга чиқилиб, мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар назорат-таҳлил тартибиде ўрганилмоқда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Конференцияда қўмита экспертлар гуруҳи аъзолари томонидан ўсимликларнинг тўлиқ озиқланишини таъминлаш учун янги авлод биоўғитлар асосида экологик хавфсиз, ресурстежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарали биоагротехнология яратилгани алоҳида қайд этилди. Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида 1 минг 440 гектар майдонда мазкур биотехнология қўлланилган.

Натижада экилган уруғларнинг 98 фоизи униб чиққан, минерал ўғитлар миқдори 25-50 фоизга камайган, тупроқнинг унумдорлиги 20-30 фоизга ошган, ҳосилдорлик 20 фоизга кўтарилди, ҳосил пишиши муддати 15-20 кунга қисқарган. Шунингдек, ўсимликларни касалликлар ва зараркундалар билан зарарланиши камайган, сарфланадиган сув миқдори 25-30 фоизга ва экиладиган уруғлар мейёри 10-20 фоизга камайган.

Конференция доирасида ер ресурсларидан оқилон фойдаланишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, олий ўқув йўртларида замонавий тупроқшунос-агрохимиклар мутахассисларни тайёрлаш, соҳага рақамли технологиялар жорий қилиш, деградацияга учраган тупроқлар унумдорлигини ошириш учун инновацион технологиялар ва янги ашёлар, шўрланган тупроқлар шароитида биодехончилик каби масалалар мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.

Мухтарома КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТА ОЛАМИЗМИ?

(Боши 1-саҳифада)

Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилон муносабатда бўлиш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген таъсирларнинг олдини олишда асосий омиллардандир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам ниҳоятда юқори. Зеро, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланиш ва улар қалбиде табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда тежамкорликка ўргатишда қўл келади. Албатта, ёш авлод қалбиде табиатга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим масалалардан саналади. Бу ўз навбатида, педагог кадрлар зиммасига катта масъулият юклайди. Экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда экологик маданият тушунақсининг магзини ҳамма ҳам бирдек англаб етаётгани йўқ. Табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масалаларини онгли равишда ҳал этиш учун оила, мактабча таълим муассасаларидан бошлаб болаларда табиатга меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш, экологияга оид билимларни улар шурига синдириш даркор. Бу келажакда атроф-муҳитни муҳофаза қила оладиган ва табиатдан оқилон фойдаланадиган авлоднинг шакллантиришнинг муҳим шартидир. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод табиат ҳақидаги билимларни эгаллаб, теварак атрофнинг но-

зиклигини, унинг гўзалликларини қалбдан ҳис қила оلسагина, она-Ватанга, унинг табиатига муҳаббати ошади. Таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида ўқувчилар онгини ҳозирги экологик муаммолар моҳиятини очиб берувчи билимлар билан бойитиш ва шу билимларни уларнинг амалий фаолияти, ижтимоий меҳнати билан мустақамлаб бориш мақсада мувофиқ. Бундай масъулиятли вазифани ҳал қилиш учун ўқитувчидан шу соҳа бўйича билимга, педагогик маҳоратга, юксак экологик маданиятга эга бўлиш, шунингдек, тинимсиз изланиш, ўрганиш талаб қилинади. Бу борада ўқув муассасаларида "Экологик марказ", "Экологик тўғрак"ларни ташкил қилиш, мунтазам равишда экофестиваллар ёки танловлар ўтказиб туриш, ўқув-методик қўлланмалар, дарсликлар, кўргазмали материалларни нашр этиш яхши самара бериши, шубҳасиз. Экологик таълим-тарбияни юзага келтирувчи мақсадлардан яна бири, бу маҳалла. Дарҳақиқат, халқимизда табиатга бўлган эҳтиром тарих каби кўҳнадир. Шу маънода, азалий қадриятларимиздан бўлмиш умумхалқ ҳаётларини ўтказиш ва уларга ёшларни кўпроқ жалб этиш айна мурдао. Умуман олганда, ўқув йўртлари, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёшларнинг узлуқсиз экологик таълим-тарбияси борасида самарали тизимни яратиш бугун зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган туркум кўрсатув, эшиттиришлар, ижтимоий экологик роликларни мунтазам эфирга узатиб бориш, вақтли матбуот нашрларида мақо-



лалар чоп этиш орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳам аҳолининг экологик маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Мухтасар айтганда, жамиятимизда ёшларнинг экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияси, экологик маданиятини юксалтиришнинг йўналишлари кўп. Энг муҳими, улар ҳаётимиз асоси бўлган табиат неъматларини асрашга хизмат қилсагина, олдимишга қўйган мақсадларимизга эришамиз. Эзгу умидлар жо айланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда ҳам кампаниябозликка, кўзбўямачликка йўл қўйиб бўлмаганини ҳамма-ҳамма

англаши зарур. Чунки аввал ана шу иллат туфайли ўзимизни ўзимиз алдаб юраверганмиз. Президентимиз ибораси билан айтганда, ўтган йилларда "қоғозда" экилган дарахтларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бўш жой қолмаслиги керак эди. Тизим, қаров бўлмагани учун экилганининг ҳам кўпи қуриб кетди. Бугунги ва келгусидаги экологик вазиятни инобатга олиб, дарахт экиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунинг учун бу умуммиллий лойиҳани пухта амалга ошириш лозимлиги қатъий белгиланди. Биринчи навбатда, мавжуд ва янгидан барпо этиладиган яшил

майдонларга туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан масъуллар тайинланди. Улар дарахтларни парвариллаш билан бирга, ушбу ҳудудни обод сақлашга ҳам жавоб беради. Ободонлаштириш бўлимлари махсус техника билан таъминланади, зарур жойларда сўғориш тармоқлари барпо этилади.

Кўп қаватли уйларга туташ ҳудудлар уй-жой мулкдорларига яшил майдонлар барпо этиш учун бириктирилади ва у ерда қурилиш қилишга рухсат берилмайди. Муассасалар ҳовлиси, маҳаллалар, йўл ва дала четларига ҳам дарахтлар экилади. Мутахассисларнинг тавсиясига асосан, ҳудудларда экиш учун 27 турдаги дарахт кўчатлари таклиф этилмоқда. Масалан, каштан, оққайин, эман, япон сафораси, шумтол, қайрағоч, павлония, терак, акация, чинор, тут, жийда, ёнғоқ, беҳи, узум, қрим қарагайи ва виргин арчаси бизнинг минтақамиз учун мосдир. Бунда ҳар бир вилоятнинг иқлими ва тупроқ таркиби инобатга олинади. Қайси ниҳол униб кетишига жиддий эътибор қаратилди. Шу ўринда савол туғилади: кўчатлар "Долзарб 40 кунда" қий бўлинадими? Йўқ, ундай эмас. Бу жараён келаси йил баҳорда ҳам олимлару уста боғбонлар тавсия этган муддатларда изил давом этирилади. Бунда ҳар бир ҳудуд кузда ва баҳорда қанча экилишини ўзига аниқ режа қилиб олган.

Мақсад, жимжимадор рақамлар ортидан қувиб, сохта маълумотлар тақдим этишдан иборат эмас. Бундай ҳолатлар даври аллақачон ўтди. Муддао чиндан-да яшил маконлар барпо этиш. Зотан, бугунги ниҳоллар – эртанги тоза ҳаво, демакки, гўзал ҳаёт манбаидир.

Муяссар РАЖАБОВА,
Табиий ва аниқ фанларга ихтисослашган С.Сирождидинов номидаги республика академик лицейи ўқитувчиси.

“Мақтабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгатириб бўлмайди”.



КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР МАЪРИФАТ ДАРГОҲЛАРИДА ҚЎЙИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Келажак айнан мактаб остонасидан бошлангани ифодасини халқ таълими тизимининг бугунги фаолияти, ундаги ўзгаришларда ҳам яққол кўриш мумкин. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Мақтабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгатириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мақтабни мактаб қиладиган куч эса ўқувчилардир”. Мақтабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгатириб бўлмас экан, нима учун барча ўзгаришларни мактабдан, айнан маърифат даргоҳидан бошлаш керак? Шунинг учун ҳам бугун таълим соҳасида дунё миқёсидаги илгор тажрибалар, анъаналар, ривожланган давлатларнинг муваффақиятларига асос бўлган замонавий педагогик технологиялар ўрганилмоқда. Соҳада дунё миқёсида интеграциялашув жадвал тус олиб, халқроқ таълим ва тажриба алмашув жараёнлари ривожланиб

бормоқда. Таълим жараёнларига илгор анъаналар, замонавий усуллар, янги, инновацион ёндашувлар муваффақиятли татбиқ этилаётгани, дарс жараёнида ахборот коммуникация технологиялари, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш қамрови тобора ортиб бораётгани тараққиёт асри билан ҳамнафаслиқдир. Вилоятимиздаги 712 та умумтаълим мактаби кенг поласоли интернетга уланган. Бу вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги барча умумтаълим муассасалари глобал тармоқ ҳамда ўқитувчилар хонасига WIFI қўрилмалари ўрнатилди. Мақтаблар 4 772 та янги компьютер (300 та компьютер синфи), барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари видеоконференцалоқа, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва техник воситалар билан таъминланган. 460 дан ортиқ мактабда электрон журнал

– Kundalik.com тизими жорий этилган бўлиб, 31 872 нафар ўқувчи ва 387 440 нафар ўқувчи ушбу электрон тизимдан фойдаланмоқда. Биргина далил: 2020-2021 ўқув йилида вилоятимиздаги умумтаълим мактабларини битирган ўқувчиларнинг 563 нафари муддатидан аввал дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари талабаларига айланишди. Олий таълим муассасаларига қамров эса жами битирувчиларга нисбатан 26,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу борада маърифат даргоҳларини ибрат қилиб келтирадиган бўлсак, вилоятдаги 6 та – Косонсой туманидаги 9-ДИМИ, Мингбулоқ туманидаги 13-ДИМИ, Янгиқўрғон туманидаги 10-ДИМИ, Норин туманидаги 14-ДИМИ, Чортоқ туманидаги 5-ДИМИ, Чуст туманидаги 52-ИДУМларнинг битирувчилари ОТМларга киришда 100 фоизлик натижани қўлга киритди. Муваффақият чўққиларини забот этаётган таълим муассасаларига интилиб, улардан ибрат олиб фаолият юритаётган жамоалар

сафи ортиб бораётгани қувончлидир.

2020-2021 ўқув йилидан 10-11-синфларда тажриба-синов тариқасида 12 та йўналишда вариатив ўқув режалари жорий қилинди. Айни пайтда вилоятимиздаги 23 та мактабда вариатив ўқув режалари амалиётда самарали қўлланоқда.

Ютуқлар, муваффақиятлар, эътирофлар салмоғи ва қамрови янги даврга хос иқтидорлар маскани сифатида ташкил этилган таълим масканлари натижаларида ҳам яққол намоён. Иқтидорли ёшлар учун мутлақо янги турдаги Президент мактаби ҳамда ихтисослаштирилган Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби фаолият юритмоқда. Ушбу таълим даргоҳлари устоз-муаллимлари ва ўқувчи ёшлари қўлга киритаётган натижалардан эса барчамиз бохабармиз. Шу ўринда таълим ва тарбияни, яъни маънавият ва маърифатни бир-бирдан айро ташкил этиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлашни истардик. Зотан, тарбия таълим асоси, маънавият маърифатга қанот ва мустаҳкам пойдевор бўлади. Шу боис ҳам соҳада маънавий-маърифий ишлар қўлами тобора ортиб бормоқда. Вилоятимиз иқтидорли ўқувчилари жорий йилда турли танлов ва мусобақаларда иштирок этиб, яқуний натижаларга кўра 203 нафар ўқувчи ғолиб бўлгани, “5 ташаббус” фестивалида ана шундай иқтидорли ўқувчилари эътироф қозонган мактабларимиз тақдирланиб, уларга вазирликнинг диплом ва қимматбахо совғалари тақдим этилгани, аҳамиятлиси, юксак натижаларни қўлга киритган мактабларимизга вазирлик томонидан бир миллиард сўмлик робототехника, мусиқа ва спорт жиҳозлари совға қилинган эътиборлидир. Аммо ҳозир қўлга киритилган натижалар билан кифояланиб турадиган пайт эмас. Замон шиддати, давр одимлари биздан янада фаол, янада шижоатли бўлиб фаолият юритишни тақозо қилмоқда. Бинобарин, юрт истиқболини, келажакни яратиб биз, устоз-муаллимларнинг, маърифат аҳлининг зиммасида экан, эл-юрт ишончига муносиблик йўлидаги одимларда бардавоммиз.



РУСЛАН ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ОЛТИН МЕДАЛИ СОҲИБИ

(Боши 1-саҳифада)

Убайдулла Уватов номидаги 1-сон давлат ихтисослаштирилган умумий таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Шоира Мейлиева кечки пайт эртанги дарсларга тайёргарлик кўриб ўтириганида телефони жиринглаб қолади. Вақт анча бемаҳал бўлганда ким безовта қилиши мумкинлигини яхши тушулмаган ўқитувчи телефонга қўлок тутди. Ундан ҳаяжонланган таниш овоз эшитилади. “Устоз, олтин медаль олдим, бу сизнинг меҳнатингиз. Сизга катта раҳмат!” Биринчи синфда илк бор ҳарф ўргатган ўқувчиси Руслан Алиқулловнинг хурсандчилиги билан айтган гаплари унинг кўзларидан қўнчол ёшлари оқишига сабаб бўлди. Бўзига нимадир тикилиб, бирор сўз тополмай қолган устози собиқ ўқувчисига нима деб жавоб қайтарганини эслаб олмайди. Бироз ўзига келиб кўз ёшларини артиб турганида яна телефон жиринглаб қолади. Энди ўқувчининг онаси кўнгирак қилаётган экан: устози, эшитдингизми, шогирдингиз олтин медаль олибди. Бунда сизнинг ҳам катта хиссангиз бор, ахир боламини бошланғич синфда яхши ўқитдингизда. Сизга катта раҳмат!..

Ўқитувчига бундан катта муқофотнинг кераги йўқ. Ахир ҳар бир ўқувчи ҳам ўзи таълим берган ўқувчисининг ҳаётда яхши натижага эришишини орзу қилади.

Бошланғич синфларни тамомлаб, 68-ДИМИга кириш синовларидан муваффақиятли ўтган Руслан физика ва математика фанларини чуқур ўрганишга киришди. Бошқа фанлардан ҳам яхши ўзлаштириш билан бирга унда физика фанига алоҳида қизиқиш уйғонди. Бу фанга илк қизиқиш уйғотишда мактаб-интернатнинг физика фани ўқитувчиси Баҳодир Омоновнинг сабоқлари сабаб бўлди. Ушбу фандан масалалар ечиш, амалий тажрибалар ўтказишда унга таълим даргоҳидаги устозлари яқиндан ёрдам берди. Юқори синфларда унга тажрибали ва билимли ўқитувчи Бобур Тошпўлатов меҳрибон устозга айланди. Дарс жараёнида, ётқоҳнада ўз синфдошлари билан тинимсиз дарс тайёрлаши натижасида мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаларида кетма-кет ютуқларга эриша бошлади. Бора-бора республика танловларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчи ўтган ўқув йилида икки марта Осиё мамлакатлари ўқувчилари ўртасида APHO ва IPHO деб номланган танловларда иштирок этди. Ушбу мусобақаларда катта тажриба тўплаган Руслан ниҳоят Фарғонадан зафар билан қайтди.

Ғолибликни қўлга киритиб дарсга қайтган Русланин мактабдошлари ва устозлари сабрсизлик билан кўтиб олишди. Унинг мактаб дарвозасидан кириб келиши билан таълим муассасаси раҳбари Ашур Тилаев бошчилигидаги ўқитувчилар, ўқувчилар ва жамоатчилик вакиллари табриклашди. Танловга кечая қундуз тайёргарлик кўрган Русланин чарчаганлиги билиниб турсада унинг кўзлари қувончдан порлаб турарди. У барча билан ўз қувончини баҳам кўришга интиларди.

– Ноябрьнинг бошида бир ҳафта давомида Тошкентда тайёргарлик кўрдик, – дея ҳаяжонли кунларни эслайди Руслан. – Бу бизга анча дарда бўлди. Фарғонада Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде саккиз нафар ва мезонлар сифатида тўрт нафар фарғоналик ўқувчилар иштирок этишди. Мен юртдошларимнинг танловда яхши натижаларни қўлга киритганларидан қувонаман. Ахир шундай нуфузли мусобақада 5 та бронза, 2 та кумуш ва 1 та олтин медални қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди.

Русландан бундан кейинги режалари ҳақида фикрлари сўралганда мактабни муваффақиятли тамомлаш, олий ўқув юртига кириб билимларини янада чуқурлаштириш эканлигини билдирди. Шулар билан бир қаторда унинг олдида физика фани бўйича ҳар йили ўтказиб келинадиган халқаро олимпиадада, Қозғистонда ўтказилиши кутилаётган яна бир танловда ўз кучини синаб кўришга аҳд қилганлигини билдирди.

– Бу синовларга тайёргарлик кўриш учун янада кўпроқ шуғулланишим керак экан, – деб чуқур ўйга толиб жавоб беради Руслан. – Айниқса, лабораторияда кўпроқ амалий машғулотлар олиб боришимга тўғри келади. Халқаро олимпиадаларда иштирок этиш учун инглиз ва рус тилларини яхши билиш талаб қилинар экан. Мен эса рус тилини ўқувчим Лобар Нуриддинова ёрдамида анча ўзлаштирган бўлсамда аммо, инглиз тилидан анча қийналаман. Ёнимда Бобур Тошпўлатовдай устозим борлиги, бошқа барча ўқитувчиларнинг ёрдамига тайёр турганликларименга куч бағишлайди. Отанам эса уйда менга барча шароитларни яратиб беришдан чарчамайди.

Дарвоқе, Руслан туғилиб, вояга етган Сангишкон қишлоғида унинг бобоси уста Алини танимайдиган одам кам. Уста-чиликнинг сирини эгаллаб халққа хизмат қилиб келаётган бу инсоннинг фарзанди Отабек Бекқулов ҳам ота касбини эгаллаган. Ўз фарзанди тарбиясига ва билим олишига чин дилдан қизиққан Отабек турмуш ўртоғи Дилобар Султонова билан ҳамкорликда Русланин келажакда етуқ олим бўлиш йўлида қўлларидан келган ҳамма ишга тайёр туришибди. Фарзандининг халқаро мусобақада ғолиб бўлганлиги учун бу оилани эндиликда тумандаги кўпчилик таниб қолди. Шу йил 18 ноябрда мактаб-интернатнинг ҳовлисида барча ўқувчилар, ўқитувчилар ва соҳа раҳбарлари тўпланишди. Республикаимиз байроғи қабул қилинган куннинг 30 йиллиги санасига бағишланган байрам тадбирида Русланиннинг ҳам ютуқлари қайд этилиб, уни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда туман халқ таълими бўлими мудири Рисолат Эшқобилова ва бошқалар халқаро олимпиада ғолиби, унинг ўқитувчиларини, онасини самимий қутлади ҳамда ўзларининг совғаларини топширди.

Хусниддин НУРИДИНОВ

3 декабрь – Халқаро ногиронлар кун

МЕҲР ВА ОЛИЖАНОБЛИК АКЦИЯСИ

Enter Engineering ва ERIELL компаниялари биргаликда пойтахтимизнинг Яккасарой тумани “Меҳрибонлик” ижтимоий ўзаро ёрдам ногиронлар жамияти учун хайрия акциясини ўтказди.

Бундан 20 йил олдин, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кун деб эълон қилинди. Ушбу кун, жисмоний имконияти чекланган инсонларга саховат қўлини чўзиш учун яна бир сабабга айланиб, ногиронлик муаммолари ҳақида хабардорликни ошириш ва уларга барча учун очик бўлган инклюзив жамият яратишга қаратилган эътиборни таъминламоқда.

“Меҳрибонлик” жамияти Яккасарой тумани бўлинимасида 79 нафар турли гуруҳдаги ногиронлар, узоқ йиллар давомида ташқи дунё билан қисман алоқа қилишга имкони бўлмаган, тўшакка миҳланган инсонлар рўйхатга олинган. Жамият аъзолари орасида меҳнат fronti фахрийлари, Чернобил АЭСдаги аварияни бартараф этишда жабр кўрганлар, шу билан бирга, тўғма нуқсонли болалар, кам таъминланган оилалар мавжуд.

Enter Engineering ва ERIELL компанияларининг вакиллари Яккасарой тумани “Меҳрибонлик” жамияти аъзоларини HUMO Arena муз мажмуасида кутиб олди ва уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, чойшаблар, сочиқлар ва кундалик зарурий маиший воситалар топширилди. Бу ерга ташриф



бўюришга имкони бўлмаган кишиларга хайрия ёрдами манзилли тарзда етказиб берилди. “Меҳрибонлик” ногиронларга ижтимоий кўмак кўрсатиш жамияти Яккасарой тумани бўлими раҳбари Зулфия Ёқубова ушбу ташкилотнинг 79 нафар аъзоларини миннатдорчилик сўзларини билдирди. “Энг аввало, Enter Engineering ва ERIELL компаниялари раҳбарияти ва ишчи-ходимларига бизга кўрсатилган меҳр-мурувват ҳамда ғамхўрлик учун чексиз миннатдорчилик

Юракдан юракка

Ўз мухбиримиз

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамкорлигида “Жамият ва оммавий ахборот воситалари” мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган семинарда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров ҳозирги даврда журналистлар олдида турган асосий вазифаларга тўхталиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан ОАВ ходимлари тахририятларнинг моддий аҳолини яхшилашга қаратилган тақриф ва истак-

ларини билдирдилар. Тадбир сўнгига бир гуруҳ журналистлар уюшма аъзоллигига қабул қилинди.

Тадбирдан сўнг ОАВ вакиллари “Яшил макон” лойиҳаси доирасида Нукус шаҳрида ташкил этилаётган “Янги Ўзбекистон” боғига дарахт экиш тадбирида иштирок этдилар.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

ЯНГИ ЛОЙИҲА АСОСИДА ЙИЛИГА 500 ТОННА УЗУМ УРУҒИ ҚАЙТА ИШЛанади

Буюк бобоқалонимиз, табобат илми султони Абу Али ибн Сино узум уруғидан олинган ёғда инсон организми учун ниҳоятда фойдали бўлган витаминлар борлигини исботлаган. Хусусан, ёғ таркибиде жуда юқори концентрацияда А, В, С, Е витаминлари, макро ва микроэлементлар, ёғ кислоталари ва бириктирувчи моддалар мавжуд.

Узум уруғидан олинган ёғ инсон саломатлиги учун жуда фойдали экан. Жумладан, барча ёшдаги беморларда иммунитетни ошириш, юрак ишемики касаллиги ҳамда бош мия қон айланишининг бузилишида, атеросклероз касаллигида, кўзининг кўриш қобилиятини яхшилашда, организмда модда алмасинувини тиклашда, аллергик касалликларда, суюқ тузилиши касалликлариде, эркак ва аёллардаги бепушликка оид касалликларни даволашда, организмнинг қарши жараёнларини секинлаштиришда ва бошқа кўплаб касалликларни даволашда ёрдам берад экан.

АҚШнинг Кентукки университети олимлари қора узумнинг пўсти ва данаги лейкокемия касаллигига қарши курашишда ёрдам беришини исботлади. Тажриба давомида беморларга узум данаги экстрактидан қабул қилиш тавсия этилган. Кузатув якунида маълум бўлишича, узум данаги ёмон сифатли ўсмаларни емирувчи оқсилларни фаоллаштирад экан. Калифорния университети олимлари ҳам шу йўналишдаги тажрибаларни кўплаб ўтказган. Уларнинг сўнгги тадқиқотларидан бирида узум данаги экстракти ошқозон саратони хавфини камайтириши исботланди.

Биз узумини еб, данагини ташлаймиз. Аслида узум данаги кони фойда эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Бугунги кунда Ўзбекистон миқёсида ҳар йили тахминан 60 минг тоннадан зиёд узум маҳсулотлари корхоналар томонидан қайта ишланади. Ишлаб чиқариш жараёнларида йилига 3 минг тонна узум уруғидан тайёрланган ем шу вақтгача чорвага берилган.

Узум уруғидан олинган ёғ шифобахш хусусиятга эга экан, нега унда ишлаб чиқарилмайди? Ҳозирда Сирдарё туманида фаолият юритаётган “Бунёд голд” МЧК томонидан инновацион ёндашув асосида узум уруғидан ёғ ишлаб чиқариш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида 10 та янги иш ўрни яратилади. Йилига 500 тонна узум уруғи қайта ишланиб, ундан ўртача 50 тонна ёғ олинади. Узум уруғидан мойи олингандан кейин ҳосил бўладиган кунжара чиқиндисини ҳам қайта ишлаш имконияти мавжуд.

– Лойиҳа доирасида узумни қайта ишлаш жараёнида ажралиб чиқётган узум уруғидан инсон саломатлиги учун фойдали фармацевтика ва косметология соҳасида фойдаланиш учун экспортбоп, пресслаш усулида мой ишлаб чиқарилади, – дейди “Бунёд голд” МЧК раҳбари Ш.Яриев. – Ушбу маҳсулотларга Россия, Туркия ва бошқа Европа давлатларида талаб юқори. Шу боис ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 70-80 фоиз қисми экспортга йўналтирилади. Ёғ таркибиде калий, натрий, кальций, темир моддалари, тўлиқ тўйинмаган ёғ кислоталари, флавоноидлар, фитостероллар, кремний, тўлиқ тўйинмаган линол ёғ кислоталари, стеарин, пальмитин, араҳидон каби кислоталар мавжуд. Узум уруғининг ёғи таркибидеги хлорофил ушбу шифобахш ёғнинг яшил рангини таъминлаб беради. Табиатда фақат узум уруғи ёғида учрайдиган табиий антиоксидант ресвератрол борлиги, бу ёғнинг қийматини янада оширади.

Шаҳноза МАМАТУРОВА, ЎЗА мухбири.


Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақиллик ғояси билан сугорилган бўлиб, жаҳондаги етакчи давлатларнинг конституциявий тажрибаларига тўла мос келади

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Бу йил Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 29 йил тўлмоқда. Ўтган давр мобайнида Асосий Қонунимиз тарихимизнинг кўп асрлик анъаналари ва жаҳон конституциявий тажрибасининг энг илғор жиҳатлари ҳамда мақбул принципларини ўзида мужассам этиб келатганлиги билан эътиборга моликдир.

Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асослар жамиятни модернизация қилиш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, ўз навбатида ҳар бир фуқарода келажакка умид билан қараш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти томон босиб ўтаётган йўлимизга тўла ишонч ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Агар мустақилликдан то ҳозирги кунга қадар амалга оширилган ислохотлар натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, барча эришилган ютуқларимиз бевосита Конституциямиз билан боғлиқдир.



Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлатнинг талабларига ва мезонларига шунингдек, халқро андозаларга тўла-тўқис мос келади. Шунингдек, "Инсон ҳуқуқлари" категорияси илк бор конституциявий даражада мустақамлаб, Асосий Қонунимизнинг муқаддимасидаёқ ўз аксини топди. Шахс ҳуқуқий мақомига оид янги концепциянинг энг муҳим хусусияти шундаки, у конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби сифатида ҳар бир инсонни тан олади. Халқро ҳуқуқнинг миллий-ҳуқуқий тизимларга таъбири ҳақида шуни айтиш кераки, кўпгина конституцияларда халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принциплари миллий конституциявий ҳуқуқнинг тарихий қисмига қиради, улар бир-бирига зид келса, халқро ҳуқуқий нормалар устун келиши ёзиб қўйилган. Халқро ҳуқуқ принциплари ва нормаларнинг мажмуи Конституциямиз матнига БМТ уставидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқро битмилардан, Хельсинки битими, Париж ва Мадрид хатияларидан олиб синдирилган. Шунингдек, 2020 йилнинг 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига кўпчилиги овоз билан тарихда биринчи марта 3 йиллик муддатга сайланиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг яққол далолатидир. Бу албатта, қалбларимизда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси органи ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга 47 та давлат аъзодир. Кенгаш аъзолари уч йиллик муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Темур давлатининг бошқарув тизимининг асосий ғояси бўлиб хизмат қилган, унинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳам бекёсдир. Зеро, давлат бошқарувида қонун, адолат устувор вазифа бўлиб, халқ орау-умидларининг рўёбга чиқишида муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Конституциямизда инсон ҳуқуқлари давлат манфаатларидан, умумэтироф этилган халқро ҳуқуқ нормалари эса миллий ҳуқуқий мезъорлардан устунлиги белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", деб белгиланган. Бинобарин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш судьялар фаолиятининг бош мезони бўлиши керак. Президентимиз Конституциямизнинг 28 йиллигига бағишланган маърузаларида таъкидлаганларидек: "Яна бир муҳим конституциявий тамойил – инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилинган, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими "бир суд – бир инстанция" тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин. Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда".

Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисидаги фармонининг қабул қилиниши ғоят муҳим аҳамият касб этди. Мазкур марказ ижро этувчи ҳокимиятнинг тарихий қисми ҳисобланиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида фаолият олиб бормоқда. Марказнинг муҳим вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази фаолиятини таъминлаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинганлиги диққатга сазовор. Мазкур қарорда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази фаолияти самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини янада таъминлаштириш, бу борада халқро норма ва стандартларни ҳаётга самарали тадбиқ этиш кўзда тутилганлиги эътиборга моликдир. Шунингдек, 2004 йил 27 августда Ўзбекистон Республикасининг "Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги қонуни (янги таҳрири) қабул қилинди. Шу ўринда Омбудсман сўзининг маъносига эътибор берадиган бўлсак, шведча "ombudsman" сўзидан олинган бўлиб, "бирон киши манфаатларининг вакили" деган маънони билдиради. Бизга маълумки, Омбудсман лавозими дунёда биринчи марта 1709 йилда Швеция қироллиги ҳузурида жорий этилган.

Омбудсман ўз фаолиятини Конституциямизга, халқро ҳуқуқ ва нормаларга, халқро шартномаларга риоя қилган ҳолда амалга оширади. Зероки, мустақил давлат сифатида қабул қилган дастлабки ҳуқуқий акт – "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти"даёқ "Миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, Республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва кадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш" олий мақсадлардан эканлиги мустақамлаб қўйилган эди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилишга доир халқро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, БМТ томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. У Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўйилган биринчи халқро ҳуқуқий ҳужжатдир. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти куришни ўз олдига мақсад қилиб олган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши давлатнинг бош вазифаси қилиб белгилади. Шунингдек, эътибор қилиб берилади. Шунингдек, эътибор қилиб берилади. Шунингдек, эътибор қилиб берилади.

Конституциямизда ҳуқуқий ва сиёсий тафаккур ютуқлари, халқимизнинг бой тарихи, маданияти ҳамда миллий урф-одатлари, анъаналари эътироф этилганлиги эътиборга моликдир. Шунингдек, давлатни бошқариш, мамлакат яхлитлигини таъминлаш тамойиллари, аждоқларимизнинг давлатчиликни мустақамлаш йўлидаги ғоя ва фикрлари, амалга оширган ишлари, тажрибалари Асосий Қонунимизнинг мезони қилиб олинди. Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг "Темур тузуклари" да давлатни бошқаришга оид муҳим тартиб қоидалар шундай эътироф этилган: "Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра тузулка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомини мустақам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади". Бу фикрлар Амир

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига оид халқро ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилинаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон сиёсати халқро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги республикаимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин исботидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси томонидан 1991 йил 30 октябрда ратификация қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тайёрланиши ҳамда қабул қилинишида муҳим ғоявий асос бўлиб хизмат қилди. Унда ушбу халқро ҳужжатнинг барча етакчи қоидалари ўз ифодасини топди. 1996 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон

дан ортқ асосий ҳужжатга қўшилганлиги, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 10 дан ортқ асосий халқро шартнома иштороқисига айланганлиги Ўзбекистоннинг халқро майдондаги нуфузи ортқ бораётганлигидан далолатдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари, қоидалари ҳамда мазмун ва моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа миллий қонун ҳужжатларида ўзининг чуқур ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати ва бошқа умумэтироф этилган дахлсиз ҳуқуқлари Конституциямизда ўз аксини топган. Шунингдек, таъкидлаш кераки, бугунги кунда давлат идораларида мурожаатлар билан ишлаш, халқимизнинг оғирини енгил қилиш устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шу маънода олиб қараганда, юртдошларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ортқ бормоқда. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш учун фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш зарур. Зеро, Конституция ва қонунларимизга ҳурмат туйғуси қарор топтирилса ҳаётимиз, жамиятимиз тубдан ўзгаради. Инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқарилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланган ҳуқуқларини самарали таъминлаш, суд ҳокимияти соҳиби бўлган судьялар мустақиллигини янада таъминлаш ва адвокатуранинг ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини янада жадаллаштиришга қаратилганлиги. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг Конституциявий кафолатлари жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва таъминлаштириш ишларининг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, қонун устуворлиги барча фуқаролар ва мансабдор шахсларга тегишли бўлиб, жамиятнинг тараққий этишида, юксалишида ўта муҳим ўрин тутди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақиллик ғояси билан сугорилган бўлиб, жаҳондаги етакчи давлатларнинг конституциявий тажрибаларига тўла мос келади. Давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар бундан далолат беради.

Ҳакимали АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти.



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги "фотосурати"ни олиш имконини берувчи аҳоли рўйхатга олиш тадбири аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Ҳўш, рўйхатга олиш қандай амалга оширилади?

Мазкур жараён уч босқичда амалга оширилади. Биринчиси, тайёрларик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан икки ой муддатни ташкил этади. Сўнгги босқич қарийб уч йил давом этади ва олинган маълумотлар кодлаштириш ёрдамида таҳлил этилиб, натижалар эълон қилинади.

У.КАРИМОВ,
Учтепа тумани статистика бўлими бошлиғи.

BOLAJONLARNI UYDA YOLG'IZ QOLDIRMANG!

Olov bilan hamnafas hayotimiz bizdan doim hushyor bo'lishni talab etadi. Yong'in keltirib chiqargan kulfatlar haqida ko'pchilik biladi.

Oddiy bir misol: bolajonlarning gugurt, olov bilan o'ynashishlari oqibatida yong'in kelib chiqishi mumkin. Qarang; ozgina e'tiborsizlik katta ofatga sabab bo'ladi. Yong'in sodir bo'lgan xonadon vayronaga aylanadi, uydan fayz-baraka o'chadi. Bolalarning o'yinqaroqliligi tufayli sodir bo'layotgan yong'inlar ayanchli oqibatlariga sabab bo'ladi. Shunday ekan, farzandlarimizga yong'in va uning oqibatlari xususida muntazam ravishda tushuncha berib, ularning ko'nikmalarini oshirib borsak, ko'zlangan maqsadga erishgan bo'lamiz, albatta. Halol mehnat qilib topgan mol-mulkingiz bir necha soniyada ko'kka sovurilib, fojia qurboni bo'lmay desangiz farzandlarimizni hamisha nazorat qiling, o'z uyningizni o'zingiz asrang, uydan chiqishdan oldin gaz va elektr uskunalarini o'chirib olingini tekshiring, nostandart va qo'l'ibola saqlagichlardan hamda vaqtincha o'tkazilgan elektr simlaridan foydalanmang! Ishlab turgan gaz va elektr asboblari nazoratsiz holda sodir bo'lganda "101" va favqulodda hodisa bo'lganda "1050" qisqa raqamlariga qo'ng'iroq qiling!

Sunnat ABBOSXONOV,
Sergeli tumani FVB P va NB inspektori, oddiy askar.



DUNYODAGI ENG MUSTAHKAM BARG

Dunyodagi eng mustahkam barg "Victoria water lily" nomli barg nilufardoshlarga mansub ko'p yillik o't hisoblanadi.

U yer yuzidagi eng kuchli barglardan biri bo'lib, u suvda suzayotganda odamlarni ushlab turishga qodir. Janubiy Amerikadagi Amazonka va Orinoko daryolarining tinch oqadigan joylarida o'sadi. Tomirlari orasida havo pufakchalari bo'lgani uchun, barg 50 kg gacha yukni ko'tara oladi.

Manzarali o'simlik sifatida botanika bog'larida o'stiriladi. O'z vatanida yil davomida akvariumlarda gullaydi. Gulining diametri 40 sm.gacha bo'lib, oq va xushbo'y hisoblanadi. Bir yarim kun davomida gullagan g'uncha oqshom paytida suv yuzasiga ko'tarilib, oq bo'lib ochiladi. Tongda esa och qizil tusga kiradi. Ikki kechadan keyin esa yana suv ostiga cho'kadi va u yerda meva hosil qiladi.